# Ш А Р Т Н О М А № 01 / 76

*Олтинкўл тумани*

*«14» декабр, 2022 йил*

Ўз Низомига асосан фаолият юритувчи **«PREMIUM TEXNO MEBEL» МЧЖ** (бундан буён «Етказиб берувчи» деб юритилади), унинг номидан жамият раҳбари **З.Мадрахимов** бир томондан ва ўз Низомига асосан фаолият юритувчи **Андижон Давлат Чет тиллари Институти** номидан раҳбар **Д.А.Рустамов** иккинчи томондан (бундан буён «Харидор» деб юритилади) қуйидаги мазмунда шартнома тузилди:

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1 «Етказиб берувчи» ўзига тегишли бўлган ва келишилган қуйидаги маҳсулотларни етказиб беради, «Харидор» эса ушбу маҳсулотларни қабул қилиб олиб, ҳисоб - китоб қилади.

| № | Махсулот номи | Ўлчов бирлиги | Миқдори | 1 донаси нархи (сўм) | Жами суммаси, сўм | ҚҚС (15%) сўмда | Жами қиймати (сўм) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Вата минеральная | штук | 9 | 217 304 | 1 955 739 | 293 361 | **2 249 100** |
| 2 | Гранит | штук | 10 | 52 087 | 520 870 | 78 130 | **599 000** |
| 3 | Мешок текстильнии для упаковки готовых изделий | штук | 500 | 783 | 391 304 | 58 696 | **450 000** |
| 4 | Строительная краска | кг | 27 | 56 435 | 1 523 739 | 228 561 | **1 752 300** |
| 5 | Строительная краска | кг | 25 | 56 435 | 1 410 870 | 211 630 | **1 622 500** |
| 6 | Шпатлевка строительная | штук | 70 | 30 348 | 2 124 348 | 318 652 | **2 443 000** |
| 7 | Разбавитель | литр | 60 | 10 348 | 620 870 | 93 130 | **714 000** |
| 8 | Коллер | штук | 35 | 6 870 | 240 435 | 36 065 | **276 500** |
| 9 | Водоэмульсия | кг | 30 | 112 957 | 3 388 696 | 508 304 | **3 897 000** |
| 10 | Клей 801 ПВА | штук | 20 | 21 652 | 433 043 | 64 957 | **498 000** |
| 11 | Клей гранит | штук | 10 | 30 348 | 303 478 | 45 522 | **349 000** |
| 12 | Лист | м2 | 150 | 69 478 | 10 421 739 | 1 563 261 | **11 985 000** |
| 13 | Профнастил | штук | 90 | 48 609 | 4 374 783 | 656 217 | **5 031 000** |
| 14 | Рейка деревянная 3x5 | метр | 100 | 4 261 | 426 087 | 63 913 | **490 000** |
| 15 | Рейка деревянная 2,5x4 | метр | 75 | 4 261 | 319 565 | 47 935 | **367 500** |
| 16 | Шкатурка | штук | 30 | 17 304 | 519 130 | 77 870 | **597 000** |
| **Ж А М И :** | | х | **519** | х | **28 974 696** | **4 346 204** | **33 320 900** |

**Шартноманинг умумий суммаси: 33 320 900 (Ўттиз уч миллион уч юз йигирма минг тўққиз юз) сўм**

## 2. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1 Ҳисоб-китоб «Харидор» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

2.2 Шартнома кучга кириб, тегишли ғазначилик тизимидан рўйхатдан ўтгандан сўнг «Харидор» етказиб бериладиган махсулотларнинг умумий суммасининг 30% ини олдиндан аванс тарикасида «Етказиб берувчи»нинг ҳисобрақамига ўтказиб беради.

2.3 «Етказиб берувчи» томонидан етказиб берилган махсулотларнинг ҳисобварақ-фактураларига асосан «Харидор» махсулот суммасининг қолган 70% ини 30 кун ичида ўтказиб беради.

## 3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

**3.1 «Харидор»нинг ҳуқуқлари:**

*«Етказиб берувчи»дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

*олинадиган махсулотлари «Харидор»га унинг транспортида ташилганда «Етказиб берувчи»дан транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

*«Етказиб берувчи»дан мазкур шартномага мувофик бериладиган буюртманомага мувофиқ тегишли сифат, ассортиментдаги махсулотларни етказиб берилишини талаб қилиш;

*зарур сифатга эга бўлмаган махсулотларни шунга ўхшаш маҳсулотлар билан алмаштирилишини талаб қилиш;

*мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар копланишини «Етказиб берувчи» дан талаб қилиш.

**3.2 «Харидор»нинг мажбуриятлари:**

*ўз буюртманомаси бўйича етказиб берилган махсулотларини мазкур шартномага мувофик қабул қилиш.

**3.3 «Етказиб берувчи» қуйидаги хуқуқларга эга:**

*Етказиб берилган махсулотлари учун олдиндан хак тўланишини ва амалдаги қонун хужжатларида белгиланган тартибда ва хажмда узил-кесил хисоб қилинишини «Харидор»дан талаб қилиш;

*Берилган буюртманомага мувофик етказиб берилган махсулотларини қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида зарар копланишини «Харидор»дан талаб қилиш;

*«Харидор»га махсулотларини мазкур шартномага мувофик ёки «Харидор» томонидан мазкур шартноманинг 5.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофик муддатлар, сифат ва миқдорда етказиб бериш.

## 4. ШАРТНОМА ШАРТЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1 Шартнома мазкур шартнома ва қонун хужжатлари шартлари ва талабларига мувофик зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига кабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2 Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун хужжатларда белгиланган холлар бундан мустасно.

4.3 «Харидор»нинг розилиги билан товар ва махсулотларни муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин. Етказиб берилган ва «Харидор» томонидан қабул қилинган махсулотлар учун кейинги даврларда етказиб берилиши керак бўлган махсулотлар хисобига хак тўланади ва улар хисобига ўтказилади.

4.4 «Харидор» сифатсиз бўлган махсулотларини қабул қилишни рад этишга хақлидир.

4.5 Етказиб берилган махсулотлари бевосита «Харидор»нинг маъсул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада етказиб берилган махсулотлари миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.

**4.6** Мазкур шартномада назарда тутилган махсулотлари етказиб бериш мазкур шартномага мувофиқ ёки «Харидор»нинг буюртманомасида кўрсатилган муддатлар ва хажмда мазкур шартномада кўратилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда «Етказиб берувчи» «Харидор»нинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади.

**4.7** «Харидор» илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд махсулотларининг тегишли туркумларини етказиб бериш санасини ўзгартиришга хақлидир, бу хақда «Етказиб беручи»ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабар қилади.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

**5.1** Томонлар ўртасида келишилган жадвал бўйича келган транспортнинг белгиланган муддатлардан ортиқча туриб қолганлиги учун айбдор томон бекор туриб қолганлиги билан боғлиқ сарф-харажатларни тўлайди. Бекор туриб қолиш вақти томонлар ўртасида имзоланган далолатномага мувофиқ расмийлаштирилади.

**5.2** Етказиб берилаётган маҳсулотлар сифати, миқдори «Етказиб берувчи» томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда «Етказиб берувчи» етказиб берилаётган махсулотларнинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб - китоб қилади ва ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари «Харидор»га нотўғри ҳисоб - китоб қилинган сумманинг 20 %и миқдорида жарима тўлайди.

**5.3** Агар етказиб берилган товар ва махсулотларнинг сифати, ассортименти, навлари, стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон етказиб берилган, сифати зарур даражада бўлмаган маҳсулотлари қийматининг 20 % миқдорида жарима тўлайди.

**5.4** Товар ва маҳсулотларни етказиб бериш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун «Етказиб берувчи» «Харидор»га белгиланган устамалардан ташқари етказиб берилиши керак бўлган маҳсулотларнинг 25%и миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари «Етказиб берувчи» «Харидор»га маҳсулотларни етказиб берилмаслиги натижасида етказилган

**5.5** Товар ва маҳсулотларни етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда «Етказиб берувчи» «Харидор»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5% миқдорида жарима (пеня) тўлайди, бироқ бунда жарима (пеня)нинг умумий суммаси етказиб берилмаган товар ва маҳсулотлар қийматининг 50% идан ортиқ бўлмаслиги керак.

**5.6.** Жарима тўланиши шартнома мажбуриятларини етказиб бериш муддати кечиктирилиши ёки тўлик етказиб берилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди. «Етказиб берувчи»га муддати кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4% миқдорида жарима тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов 50%дан ортиқ бўлмаслиги керак.

**5.7** «Етказиб берувчи»нинг айби билан шартноманинг «Харидор» томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда «Етказиб берувчи» томонидан қопланади.

**5.8** Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари амалдаги қонунчилик нормаларига мувофиқ қўлланилади.

## 6. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

**6.1** Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар қоидага кўра, мустақил равишда улар судгача хал этиш чораларини кўрадилар.

**6.2** Келишув билан хал қилинмайдиган низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан белгиланган тартибда вилоят, туманлараро Иқтисодий судлари орқали хал қилинади.

## 7. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

**7.1** Томонларга боғлиқ бўлмаган ҳамда баратарф этиб бўлмайдиган ҳолатлар, жумладан ёнғин, сув тошқини ва шу каби табиий офат ҳолатларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, агар тегишли хужжатлар билан тасдиқланган тақдирда мажбурият бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарликдан озод этилади.

**7.2** Юқоридаги ҳолатлар юзасидан дарҳол тарафлар бир-бирига хабарнома юборишлари мажбурийдир.

## 8. БОШҚА ШАРТЛАР

**8.1** Шартнома тузиш ва уни бажаришда юзага келадиган низолар белгиланган тартибда вилоят, туманлараро Иқтисодий судлари томонидан хал килинади.

**8.2** Шартнома ҳар иккала томоннинг бевосита келишувига биноан бекор қилиниши мумкин.

**8.3** Барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилган ҳолда ҳамда ҳар икки томоннинг ваколатли вакиллари имзоси ва мухрлари бўлган тақдирда ҳисобга олинади.

**8.4** Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, унинг бир нусхаси «Етказиб берувчи» иккинчи нусхаси «Харидор»да сақланади.

## 9. ШАРТНОМА МУДДАТИ

**9.1** Шартнома томонлар имзолаб, тегишли ғазначилик бўлими оркали рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга кириб, 31 декабр, 2022 йилгача амал қилади.

**9.2** Шартнома 2 нусхада тузилиб, ҳар икки нусхаси ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тенг кучга эга.

## 10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

| «Етказиб берувчи» | «Харидор» |
|---|---|
| **"PREMIUM TEXNO MEBEL" МЧЖ** | **Андижон Давлат Чет тиллари Институти** |
| **Манзили: Олтинкўл тумани, Топтиқ МФЙ** | **Ўзб. Респ.Молия Вазирлиги Ғазначилиги** |
| **Телефон: + 9 9 8 9 9 - 9 0 4 - 4 3 - 2 2** | **х/р: 23 402 2000 3001 0000 1010** |
| **Банк: АТ Халқ банки Анд.вилоят Амалиёт бўлими** | **МФО: 0 0 0 1 4 СТИР: 2 0 1 1 2 2 9 1 9** |
| **х/р: 2 0 2 0 8 0 0 0 9 0 0 8 6 3 6 9 7 0 0 1** | **МБ ББ ХККМ Тошкент шаҳар** |
| **М Ф О: 0 0 6 4 9** | **ШХВ: 1000 1086 0034 0170 9410 0079 010** |
| **С Т И Р: 3 0 5 4 1 6 0 0 8** | **ИНН: 309 660 938 ОКОНХ: 9 2 1 1 0** |
| **Раҳбар: ________ З.Мадрахимов** | **Раҳбар: ________ Д.А.Рустамов** |

М.Ў

*Ҳуқуқшунос:* ________________ ________________